



ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

Филология фанлари доктори, доцент, ТДШУ

Бир ҳикоянинг икки таржимаси

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-03>

Аннотация. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб бадиий таржисма шарофати билан ўзбек милий адабиёти жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойиб боргани каби, ўзбек адабиёти намуналари ҳам бошқа тилларга таржисма қилиниб, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўз ўқувчиларини топтига улгурди. Жумладан, ўтган салкам ўттиз йил мобайнида Туркияда ўзбек адабиётига бўлган қизиқини янада кучайди. Қисқа давр ичида ўзбек адабиётининг ўнлаб дурдона асарлари хорижий тиллар, жумладан қардоши турк тилига ўғиришиб, адабиётимиз ихлосмандларига армуғон этилди. Тили, тарихи ва маданияти бир-бирига жуда яқин ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошилик ришиналари бадиий таржисма ор-қали янада мустаҳкамланди. Турк адабиёти хазинаси атоқли ўзбек адабларининг машҳур асарлари билан бойиди. Жумладан, таниқли ўзбек адаби А.Қодирийининг „Ўткан қунлар”, „Мехробдан чаён”, Ойбекнинг „На-войи” романлари қаторида Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳам туркчага ағдарилиб, нашир этилди. Бу ўз-ўзидан таржисмашунослик фанига катта материал берди. Бадиий таржисималарни танқидий кўриб чиқши, уларнинг бадиий савијаси, сифатини баҳолаш ва таржисимон маҳорати қирраларини ўрганиши масалалари кун тартибига кўйилди. Уибу мақолада Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг туркча таржисималарида учрайдиган муаммоли ўринлар кўриб чиқилади ва амалиётда юзага келган муаммоларга қисман йечим изланади. Жумладан, икки қардоши тил орасида таржисма қилишининг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлиги, таржисимада „сохта эквивалентлар” муаммоси сақланиб қолаётганилиги, ўзбек ва турк тилларининг бир тил оиласига мансублигига қарамай кўпчилик лекцик-фразеологик бирликларининг келиб чиқши нуқтаси назаридан фарқлилик касб этиши, бадиий асарларни ўғиришида таржисимондан ўта эҳтиёткор бўлишини қатъий талаб қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Таянч сўз ва иборалар: бадиий таржисима, аслият, контекст, услуб, адабий манера, ўзаро яқин тиллар, сўз танлаши, сохта эквивалент, мақол, фразеологизм.

Аннотация. Благодаря художественному переводу с 90-х годов прошлого века узбекская национальная литература обогатилась шедеврами мировой литературы, а образцы узбекской литературы переводились на языки мира и успели найти своего читателя во многих странах. В частности, за последние тридцать лет интерес к узбекской литературе в Турции. За короткий срок десятки шедевров узбекской литературы были переведены на иностранные языки, в том числе и на братский турецкий язык, и подарены любителям нашей литературы. Узы дружбы и братства между узбекским и турецким народами, язык, история и культура которых очень близки друг другу, еще больше укрепились благодаря художественному переводу. Сокровищница турецкой литературы пополняется самыми известными произведениями узбекских писателей. В частности, среди произведений известного узбекского писателя А.Кадыри «Минувшие дни», «Скорпион из алтаря», Айбека «Навои», были переведены на турецкий язык и опубликованы рассказы Абдуллы Каҳхара. Это само по себе давало большой материал для науки переведоведения. На повестку дня были поставлены вопросы критического рецензирования художественных переводов, оценки их художественного уровня и качества, изучения переводческого мастерства. В данной статье рассматриваются проблемы в турецких переводах одного рассказа Абдуллы Каҳхара, изыскивается частичное решение проблем, возникших на практике. В частности, преимущества перевода между двумя родственными языками имеют свои сложности, проблемы, связанные с «ложными эквивалентами» остаются при переводе, несмотря на то, что узбекский и турецкий языки принадлежат к одной языковой семье, подчеркнуто, что это требует от переводчика особой осторожности при переводе художественных произведений.

Опорные слова и выражения: художественный перевод, оригинал, контекст, стиль, литературная манера, родственные языки, выбор слова, «ложный эквивалент», пословица, фразеология.

Abstract. Thanks to literary translation since the 90s of the last century, Uzbek national literature has been enriched with masterpieces of world literature, and samples of Uzbek literature have been translated into other languages and managed to find their readers in many countries of the world. In particular, over the past thirty years, interest in Uzbek literature has increased in Turkey. In a short time, dozens of masterpieces of Uzbek literature were translated into foreign languages, including the fraternal Turkish language, and presented to lovers of our literature. The bonds of friendship and brotherhood between the Uzbek and Turkish peoples, whose language, history and culture are very close to each other, have been further strengthened thanks to literary



translation. The treasury of Turkish literature is replenished with the most famous works of famous Uzbek writers. In particular, among the works of the famous Uzbek writer A. Kadyri "Bygone Days", "Scorpion from the Altar", Abek "Navoi", stories by Abdulla Kahkhar were translated into Turkish and published. This in itself provided great material for the science of translation studies. The issues of critical review of literary translations, evaluation of their artistic level and quality, and the study of translation skills were put on the agenda. This article discusses the problems in Turkish translations of a story by Abdullah Kahhar, seeks a partial solution to the problems that have arisen in practice. In particular, the advantages of translating between two related languages have their own difficulties, the problems associated with "false equivalents" remain in translation, despite the fact that the Uzbek and Turkish languages belong to the same language family, it is emphasized that this requires the translator to be especially careful when translation of works of art.

Keywords and expressions: literary translation, original, context, style, literary manner, related languages, word choice, “false equivalent”, proverb, phraseology.

Кириш. Ўзбек адабиёти дурдоналарининг хорижий тилларга таржима қилиниши ва уларнинг жаҳон адабиёти хазинасидан муносаб ўрин эгаллаши бугунги кунда алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Дарҳақиқат, ҳалқлар орасидаги маданий кўпприк ҳисобланган бадиий таржима айни тил оиласига мансуб, тили, урф-одат, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк ҳалқлари орасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига кўмак бериб келмоқда. Албаттa, бунда таржималарнинг сифати, уларнинг бадиий савияси, асл нусхадаги миллий рухни қайта яратишида таржимон маҳорати муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу мақолада атоқли ўзбек адаби Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб “Ўғри” ҳикоясининг туркча таржималарида учрайдиган муаммоли ўринлар кўриб чиқилади ва амалиётда юзага келган муаммоларга қисман йечим изланади. Жумладан, икки қардош тил орасида таржима қилишнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлиги, таржимада “сохта эквивалентлар” муаммоси ҳануз сақланиб қолаётганлиги, ўзбек ва турк тилларининг бир тил оиласига мансублигига қарамай кўпчилик лекцик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан фарқлилик қасб этиши бадиий асарларни ўтиришда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлишни қатъий талаб қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Мақсад ва вазифалар. Мақоланинг мақсади бадиий таржимада муаллиф услубининг қайта яратилиши муаммосини таникли ўзбек ёзувчиси А. Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясининг турк тилига қилинган икки таржимаси асосида кўриб чиқиши, таржима сирасида ижодкорлар дикқатидан четда қолган баъзи хусусларни таъкидлаш ва баҳоли қудрат тавсиялар беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдига ҳикоя таржимасида сўзларнинг қандай танлангани, ижодкорларнинг бадиий тасвир ва ифода воситаларидан қай даражада фойдаланганини кўрсатиш, аслиятда қўлланилган мақол, матал ва бошқа турли фразеологик бирликларнинг нечоғли ўтирилганлиги, ўзбек ва турк тиллари орасида бадиий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган чигалликларнинг сабабини ёритиш вазифаларини кўйилган.

Методлар. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий, таҳлилий ва таҳлилий-қиёсий методлардан фойдаланилди. Дарҳақиқат, ушбу мақола учун материал сифатида олинган “Ўғри” ҳикояси¹ турк тилига икки марта: илк бор 2010 йилда туркиялик ижодкор Филиз Демиржи томонидан², иккинчи марта, орадан бир неча йил ўтиб, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасини турк тилига таржима қилиб танилган муаллим Моҳир Үнли томонидан³ таржима қилинган. Қуйида бу икки таржима варианти фаннинг турли нуқтаи назарларидан кўриб чиқилади.

¹ Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010.

³ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebi-eserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hırsız-hikaye>.





А.Қаҳхорнинг “Ўғри” ҳикояси таржимасининг миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари предмет сифатида олинган тадқиқот жараённида аслият ва таржима матни таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли лугати, икки тилли (туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча, туркча-русча ва русча-туркча) ҳамда турли энциклопедик лугатлардан¹ фойдаланилди. Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилиб, лозим топилган ўринларда муаллиф таклиф этган таржима варианatlари ҳам бериб ўтилди.

Эришилган натижалар: Ўзаро яқин тиллар орасида таржимани амалга ошириш ташқаридан қараганда осондек кўринса-да, тажриба бир талай мураккабликлар борлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, тиллар яқин ёки узоқ бўлишидан қатъий назар, таржима жараённида ижодкор бирданига икки маданият, икки тилнинг сўз ва образлари устида иш олиб борар экан ҳар сафар бегона сўзлардан қайси бирини ўтириб, таржима матнига ўтказиш мумкинлиги, агар мумкин бўлса сўз ёки образ бегона негизда ўз ўрнини топа олиши ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўз қонуниятлари бўлади. Бир тилда табиий жаранглаган сўз, ибора, бошқа тилга сўзма-сўз ўтирилганда, жарангсизлашиши, жумла эса оғирлашиб қолиши мумкин. Демак, таржимоннинг қайсиdir сўзни ташлаб юбориши, жумлани соддалаштириши ёхуд фикрнинг китобхонга аслият каби тушунарли бўлиши учун ниманидир қўшиши, ҳатто жумлани ортиқча безаб юбориши ҳам сир эмас. Бундай вазиятда таржимон муаллиф матнiga тузатиш кирита олмайди. Зеро муаллиф ўз муддаосини текис синтактик ва қуруқ лугат воситалири билан эмас, она тилининг бадиий сўз, образ ва мураккаб синтактик қурилмалари воситасида ифодалайди. Таржимон эса муаллиф билан ҳамнафас бўлиши, асарнинг ҳар бир заррасини муаллиф қўзи билан кўриши, уни муаллиф сингари хис этиши, тилнинг асосий унсури бўлган сўзни ўз она тилидан излаб топиши керак. Бу борада F.Саломов шундай ёзади: “Бадиий адабиёт учун ғоятда мухим бўлган кўрсаткичлар: бадиийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширилган бўлади ва сўз орқали реаллашади². Дарҳақиқат, бадиий таржимада сўзни тўғри танлаш учун санаб ўтилган талабларга амал қилиш лозим. Мисолларга мурожаат қиласиз:

“Кампир тонг қоронгисида ҳамир қилгани туриб ҳўқизидан хабар олди”. “Ўғри” ҳикояси ана шу жумла билан бошланади.

1-таржима (Ф.Демиржи): *Tan ağarırken yaşlı kadın, hamur yog ‘urmak üzere kalktığı sirada öküzin yokluğunu fark etti* (Сўзма-сўз тескари таржимаси: “Tong oqarayotganda keksa ayol xamir yo ‘g’irish uchun turganida ho ‘kizning yo ‘qligini sezib qoldi”).

2-таржима (М.Унли): *Yaşlı kadın sabahleyin alaca karanlıkta hamur yog ‘urmak için kalklığında öküzinün başına gelenleri öğrendi* (Сўзма-сўз тескари таржимаси: “Keksa ayol erta tong nim qorong ‘isida xamir yo ‘g’irish uchun turganida ho ‘kizining boshiga nimalar kelganini o ‘rgandi”).

Иккала таржимада ҳам аслиятдаги мазмун бера олинган. Шунга қарамай, “тонг қоронгиси” бирикмаси 1-таржимада “tan ağarırken” (“тонг оқараётганда”) деб, 2-таржимада эса янада аниқлаштирилиб “sabahleyin alaca karanlıkta” (“ерта тонг ним қоронгисида”) деб берилиган. Бироқ 1-таржимада “хўқизидан хабар олди” бирикмаси “öküzin yokluğunu fark etti” (“хўқизнинг ўйқилигини сезиб қолди”) шаклида аслиятдаги фикр ривожлантириб берилиган. 2-таржимада маъно бошқа томонга “бурилиб” кетган: таржимон “хўқизидан хабар олди” бирикмасини öküzinün başına gelenleri öğrendi (хўқизининг бошига нималар келганини ўрганди) дея ўтириб ўзича ижод қилмоқчи бўлган. Чунки, бундай ҳолатда китобхон нотоғри фикрга бориши, масалан “хўқиз ҳаром ўлиб қолган, ёки сўйиб ташлаб кетилган” деб ўйлаши ҳам мумкин.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. –M.: “Рус тили”, 1981; Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998; Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazik», Multilingual. – İstanbul, 1995; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazik», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994; Хотамов Н., Саримсоқов Б., «Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли лугати», Т., 1983.

² Саломов F. Таржима назарияси асослари, Т., “Ўқитувчи”, 1983. – Б.73.





Маълумки, сўз маъноси контекст ичиди очилади. Бадиий таржимада муаллиф яратган образлар ва асар сюжетидан ташқари, ёзувчининг ижодий шахсияти, услуби, адабий манерасининг қайта яратилиши ҳам талаб этилади. Таржимоннинг истеъдоди муаллифи манерасини ўзида ижодий мужассамлантира олганлигида намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида мақол ва ибораларнинг ўрни бўлакча. Ҳатто айрим ҳикоялари мақол-эпиграф билан бошланади. Буни “Ўғри” ҳикоясида ҳам кўриш мумкин. Ҳикоя “Отнинг ўлими, итнинг байрами” мақоли билан бошланади. Турк тилида ушбу мақолнинг аниқ эквиваленти бўлмагани учун иккала таржимон ҳам уни бир хил, сўзма-сўз ўтирган: “Atin ölümi, itin bayrami”. Бу ерда сўзма-сўз таржима ўзини тўла оқлаган, “баҳона”да турк паремиологияси битта мақолга бойиган, дейиш мумкин.

Икки саҳифадан иборат “Ўғри” ҳикоясида фразеологизмларни ҳисобламаганда, ўндан ортиқ мақол, матал ёки мақолга тенг афористик бирикма ишлатилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, ҳикоянинг иккинчи жумласи: “Dehqonning uyi kuysa kuysin, ho kizi yo qolmasin”. Адаб ҳалқ тилидан ўзлаштирган, мазмунан мақолга тенглаша оладиган афористик жумлада ўша даврларда камбағалнинг бор-буди бир хўқиз бўлгани, агар ундан ҳам маҳрум бўлса, ҳоли ҳароб бўлиши алоҳида таъкидланади. Ушбу мақолни Ф.Демиржи “Çiftçinin evi yanarsa yansın öküzü yok olmasın” шаклида ҳижжалаб ўтирган. Ҳатто ўзбекча “йўқолмоқ” феъли туркчада “кайболмак” бўлиши, таржимада қўлланилган “ёқ олмак” шакли эса “йўқ бўлиб кетмоқ” эканлигига эътибор бермаган. М.Унли эса жумлани аслиятга мос тарзда ихчам, оҳангдор, Қаҳҳорга ўхшаш услубда талқин қилган: “Çiftçinin evi yansın, öküzü kaybolmasın”.

Баъзида турк таржимонлари жумлаларни нафақат сўзма-сўз, ҳижжавий таржима қиласидар, балки ўзбекча мақол ёки иборани тушунмасдан, турли “янги нарса”лар ўйлаб топадиларки, бундай муносабатни оқлаш мумкин эмас. Масалан, ўзбекларнинг машҳур “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан” мақоли “Ўғри” ҳикоясида жуда ўринда ишлатилган (А.Қаҳҳор уни қуидагича берган: *Ўйнашмагин арбоб билан, сени урап ҳар боб билан*). Ҳозирги турк тилида “бир ишни яхши биладиган” маъносидаги “erbab” (ap. erbâb) сўзи (*Her işi erbabından sormalı* – Ҳар қандай ишни устасидан талаб қилиш керак)¹ ва “мавзуу, хусус” маъносидаги эскирган “вар” (ap. bâb) сўзи (*Bu bapta malumatim yoktur* – бу борада ҳеч қандай маълумотга эга емасман)² жуда яхши маълум. Ф.Демиржи машҳур ўзбек мақолини туркчага “Muhabbetteki yerbâbla, seni vurur her bâb ile” деб ўтирган³ (агар у сўзма-сўз тескари таржима қилинса, “Мухаббатдаги арбоб билан, сени урап ҳар боб билан” бўлади)⁴. Мақол таржимаси турк ўқувчисига тушунарли бўлмаслиги ва турк ўқувчинини чалкаштириши тайин. Агар мақол сўзма-сўз ўтирилса ҳам, турк китобхони мақолнинг маъноси аён бўлар еди. Ҳикоянинг иккинчи таржимасида мақол “Oynaşta sen yerbap ile, vurur seni her kapida” (сўзма-сўз: Ўйнашма сен арбоб билан, сени урап ҳар эшик олдида) деб берилган. Умумлаштириладиган бўлса, таржималарда ўзбек мақоли ўзининг муносаб ифодасини топмаган.

Қиёслаш мақсадида “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан” мақоли Одил Ёқубовнинг “Адолат манзили” романидаги ҳам бир неча ўринда қўлланилганини таъкидлаш жоиз (Қаранг: 59-, 75- ва 128-бетлар)⁵. Романда бир ўринда ушбу мақол “Her gördüğünüz sarıklığı hoca, her gördüğünüz sakallığı babanız zannetmeyin...”⁶ деб берилган (сўзма-сўз тескари таржимаси: “Ҳар кўрган саллаликни домла-имом деб, ҳар кўрган соқолликни отам деб ўйламанг”). Қўриниб турибдики, таржима вариантининг ўзбекча матннаги мақолга ҳам, контекстга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ёки яна бир ўринда худди шу мақол “– Жон болам!

¹ Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998. – Б.217.

² Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998. – Б.717.

³ Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010. – В.42.

⁴ Turk tilida “muhabbet” so‘zi “muhabbat” va “do‘stona suhbat” ma’nosida qo‘llaniladi.

⁵ Ёқубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 178 б.

⁶ Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.72.



*Уришмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан*¹ жумласи таркибида қўлланилган ва туркча таржимада “*Canım oğlum! Kurduń ağızına giren bütün çıkmaztı*”² шаклида ўгирилган (сўзма-сўз: “Жон болам, бўрининг оғзига кирган бутун чиқмас емии”). Аслият мазмуни таржимада қисман акс етган.

“Адолат манзили”нинг яна бир саҳифасида мақол қўйидаги кўринишда учрайди: *Olishmagin arbob билан, арбоб урап ҳар боб билан*³. А.Батур уни қўйидагича ўгириган: *Bekçiyile polisten dost, it derisinden post olmaz demisler*⁴ (тескари ўтирилса, “Коровул билан полиция ходимидан дўст, им терисидан пўстин бўлмас” бўлади). Бу ерда ҳам ўзбекча мақол ишончли берилмаган.

Юқоридаги далиллар турк таржимонлари (Аҳсан Ботур, Филиз Демиржи ва Мохир Унли)нинг ёдларига ўз тилларида машҳур “*Davacın hakisimse, yardımcin Allah olsun*” (сўзма-сўз: “Агар даъвойинг қозига нисбатан бўлса, сенга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди”, яъни “Додингни худога айт”) ёки “*Usta yanında perende atılmaz*” (сўзма-сўз: “Уста мерган турган жойда парранда отиб бўлмайди”) мақоллари келмагани ёки уларнинг таржима ишига ижодий ёндашмаганликларини кўрсатмоқда.

Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун О.Ёкубовнинг “Адолат манзили” романида қўлланилган бир мақолни келтириш мақсадга мувофиқ: “*Onangning yўnaashi қози бўлса дардингни кимга айтасан*”⁵ ушбу мақолнинг том муқобили юқоридаги “*Davacın hakisimse yardımcin Allah olsun*” ҳисобланади. Бироқ Аҳсан Батур уни “*Ananin oynasi kadi ise derdini kime anlatirsin*” деб сўзма-сўз таржима қилган.

Мақол ёки маталларни таржима қилишда, дастлаб уларнинг образлилиги, миллийлигига эътибор берилади. Ўзбек ва турк тиллари бир оиласи мансуб тиллар бўлгани боис уларнинг мақол ва маталларида муштараклик борлигига қарамай, улар орасида баъзи фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу ҳолат ушбу бирликларнинг шаклланишида миллатнинг характери, дунёқарashi, урф-одатлари намоён бўлиши орқали юзага келади. Демак, асар қайси тилдан таржима қилинаётган бўлса, таржимон ўша халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, этнографик хусусиятларидан ташқари, мақол ва маталларнинг келиб чиқиши тарихидан ҳам хабардор бўлиш зарур.

Ҳар қандай мақол муайян шарт-шароитда пайдо бўлади ва уларда мужассам образлилилк билан контекст ўртасида узвий боғлиқлик бўлади. Масалан, “Ўғри” ҳикоясида *Tekin ga mushuk oftaboga chikmadi* ва *Kuruq қoishiq ogiz yirtar* мақоллари бор ва турк тилида уларнинг муқобиллари мавжуд емас. Албатта, уларни ўгириш учун сўзма-сўз таржима усулини қўллашдан бошқа чора қолмайди. Турк таржимони (Ф.Демирси) ҳам биринчи мақолни *Kedi guneše bedava çıkmaz*⁶ деб, иккинчисини – *Kuru kaşık ağız yirtar*⁷ деб ўгириган. Аммо тузилган жумла услуб жиҳатдан ғализ (*Kedi guneše bedava çıkmaz* – *Mušuk benuyl oftaboga chikmas*). Яъни, сўзма-сўз таржимадан маъно анлашилиб турган бўлса-да, уни ўрнига тушган деб бўлмайди. Тўғри, туркчада бундай гап бўлмаслиги мумкин. Лекин таржимон турк тилининг мақоллар хазинасини “ковлаштириб” ўтиришга еринган бўлса-да, лоақал ўзи тузган гапнинг ғализ чиққанлигини англаши ва ҳеч бўлмагандан *Kedi bile karşılığımı almadan guneše çıkmaz* деб ўгириши мумкин эди. Иккинчи таржимада М.Унли бу

¹ Ёкубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 75.

² Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.93.

³ Odil Yoqubov ham o'zbek xalqi nutqida qoliplashib, bir xil aytiladigan maqolni o'zicha o'zgartirib (“o'ynashmagin” fe'l shaklini “olishmagin” deb o'zgartirib) qo'llagan (B.25).

⁴ Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.25.

⁵ Ёкубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.21.

⁶ Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so'z, 2010. – S.42.

⁷ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebi-eserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hırsız-hikaye>.



камчиликни тузатган ва мақолни *Kedi bosh yere gïneše çıkar mı?* (*Мушук бекордан бекор офтобга чиқадими*) деб ўтирган. Иккинчи мақол иккала таржимада ҳам бир хил, сўзма-сўз берилган: *Kuru kaşık ağız yırtar*. Иккинчи мақолда сўзма-сўз таржима ўзини оқлаган, мазмун турк китобхонига етказа олинган. Бироқ Абдулла Қаххор услуби, сўз ва ибораларнинг ифода қудрати, жумлага хос ширанинг туркча таржималарда кўнгилдагидек акс етмаганини тан олиш керак.

Таъкидлаш керакки, таржимон, аслиятдаги сўзларнинг бадиий, услубий, миллий ва эстетик вазифасини ҳисобга олиши, сўзнинг маъносига диққат қилиши даркор, сўзларни айнан “кўчириш” ёки тушириб қолдириш мантиқий узвийлик ҳамда бадииятга путур етказади.

Ўзбек халқи орасида машхур “Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз” мақоли биринчи туркча таржимада “*Verene bir tane çok, alana da on tane azdır*”, иккинчи таржимада “*Verene bir çok, alana on bile az*” деб берилган. Иккала таржима ҳам ишончли чиқсан, бироқ иккинчиси қисқа, лўнда бўлгани учун А.Қаххор услубига мос тушган.

Таъкидлангани каби, Абдулла Қаххор ҳикояларида мақол қийматига ега бир неча афористик жумла кўзга ташланади. Бу адабиётшунослик тадқиқотларида Қаххор фразеологияси, Қаххор услуби деб ном олган. Шундай жумлалардан бири “*Fuқaroning arzga borishi arbobning izzati bўladı*” (1-таржима: *Fakirin arza verishi yerbabının izzeti olur!* 2-таржима: *Vatandaşın derdini anlatması büyüklerin şerefindendir*) бўлса, иккинчиси – “*Уни бегим дегунча кишининг бели синар экан*” (1-таржима: *Anlaşıldı ki ona bey dedikçe kişinin beli incelirdi*. 2-таржима: *Anlaşıldı ki beyler beyliğini gösterene kadar adamin beli kırılmış*) жумлаларидир. Афсуски, иккала туркча таржимада ҳам ўзбекча залворли жумлалар аслиятга муносиб берилмаган.

“Ўғри” ҳикояси фразеологизмларга ҳам бой: *хатга тушимоқ, кўзлари жавдирамоқ, ақл ишонмаслик, кўздан кечирмоқ, умид бағишламоқ, ҳаддан зиёд, пулнинг юзига қарамоқ, бўғинлари бўшашиб кетмоқ, пешонаси ишўр, “қозонни сувга ташлаб қўймоқ”, “тена сочи тикка бўлмоқ”* каби. Мисол учун “*Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиши – уй, ҳўқиз топши учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйши керак бўлади*” жумласида адаб ўз фразеологизмини кўллаган¹. Аслият жумласи 1-таржимада “*Bir kap saman, on on beş tomruk, bir at arabası kamiş, işte size bir yev yapılır. Bir öküz almak için kazanı suya kaç vakit salmak gerektiğini biliyordu*” шаклида, 2-таржимада “*Bir çuval saman, on on beş ağaç, bir kağızı arabası kamiş: Al sana yev. Öküz almak için ne kadar zaman yemeyip, içmeyip biriktirmek gerekiyordu*” шаклида берилган. Биринчи таржимада аслият жумласи шунчаки, сўзма-сўз ўтириб қўйилган. Таржимон “ортиқча” бош қотиришни истамаган. Иккинчи таржимада esa М.Унли ишга ижодий ёндашган, иборани ибора билан бермаган бўлса-да (қозонни сувга ташлаб қўйши – *yemeyip, içmeyip biriktirmek*), аслият услуби, оҳанг ўз аксини таржимада тўла топган.

Биринчи таржимада “бир қоп сомон” биримаси “*bir kap saman*” деб ўтирилган. Таржимон “сохта еквивалент”га алданиб, “қоп” сўзини “*кар*” (идиш) деб ўтириб қўйган (сомоннинг идишга емас, қопга солинишини ўйлаб кўрмаган)². Иккинчи таржимада эса “қоп” сўзи “*çuval*” деб тўғри берилган.

Таржима жараёнида синоним ва майнодош сўз, ибораларни танлаш муаллифнинг сўз бойлиги ва бадиий маҳоратини намойиш етувчи асосий омиллардан бири саналади. Муаллиф услубида синтаксис, интонатсия муҳим аҳамиятга эга, уларнинг таржимада тўла сақланмаслиги таъсирни сусайтиради. Таржимон сўз, образ ва жумла интонацияси устида тинимсиз иш олиб бориб, асарни таржима тилида қайта яратишда сўзма-сўз аниқликка берилмасдан, таржима учун ишончли услуб калитини топишга интилмоғи лозим. Аммо

¹ Ушбу иборанинг русча муқобили “положить зубы на полки” дир.

² F.Demirci yana bir o‘rinda “soxta ekvivalentlik”ka “aldangan”. Masalan, “ola ho‘kiz” birikmasini “çok iyi bir öküz” (“juda yaxshi ho‘kiz”) deb o‘girgan, ya’ni u o‘zbekcha “ola” so‘zini “a’lo” so‘zi bilan adashtirgan. Shu kabi, M.Unli ham bir o‘rinda o‘xshash xatolikka yo‘l qo‘ygan. U “og‘ilning eshigi” birikmasini “og‘lunin kapısı” (“o‘g‘linin eshigi”) deb ag‘dargan.



аслият интонатсиясини сақлаш таржимани сўзлар ва тиниш белгилари билан ўгириб қўйиш деган гап эмас. Гап шундаки, ҳеч бир тилнинг ҳатто энг бой лугати ҳам у тилнинг кенг имкониятлари, агар у аслият муаллифи услубига бўйсундирилмас экан, тўлақонли таржима яратилишига кафолат бўла олмайди.

“Ўғри” ҳикоясидан яна бир мисол: *Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Курук қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади. Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз.* Чол-кампир кенгасиб, шундай қарорга келишиди: бу чиқум охирги ва ҳўқизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқум, шунинг учун тулнинг юзига қараши ақлдан емас.

Бир неча мақол ва ибора қўлланган ушбу парча турк тилига қуйидагича ўгирилган: *Akşama doğru Kabil Dede aminin yanına girebildi. Kuru kaşık ağızı yirtar, amine ne kadar parayla varmaliydi? Verene bir tane çok, alana da on tane azdır.* Yaşlı adam ihtiyar karısına danışıp şöyle bir karara vardılar: Bu son masraftı ve öküzin boynuna bağlanan paranın yüzüne bakmak akıl işi değil¹. Парча таржимаси оригиналга жуда яқин чиққан, мақолларнинг сўзма-сўз таржимаси туркчада тушунарли, ишончли чиққан бўлса-да, таржимоннинг айрим хусусларга эътиборсиз бўлгани, сал шошилиб иш тутгани сезилади. Чунончи, аслиятда Қобил бобонинг қишлоқ оқсоқоли, яъни аминнинг олдига боришига қарор қилганлиги (ҳали бормаганлиги) айтилган бўлса-да, таржимада чолнинг аминнинг қабулига кирганлигига урғу берилган. Ёки аслиятда “қанча пул олиб борса бўлади” дейилган бўлса, таржимада “қанча пул олиб бориши лозим эди” дейилади. Бундан ташқари, туркчага бир мансаб номи бўлган “амин” сўзи (хос сўз) сифатида таржимасиз ўгирилган. Туркларга нотаниш бўлган бу сўзга изоҳ берилмаган (амин – 1. Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли; 2. Бозорларда солик ундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли; чоризм даврида Фарғона водийсида сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли²). Парчадаги “Чол-кампир кенгасиб” бирикмасининг туркча таржимасини тескари ўгирсак қуйидаги дағал бирикма (“Кекса одам қари хотинига маслаҳат солиб”) юзага келади. “Ҳўқизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқум” деганда адаб, «айтилган харажат қилингандан кейин ҳўқизнинг топилиши аниқ», яъни кафолат таъминланишини таъкидлаган, бироқ таржимон бу бирикмани ҳам сўзма-сўз, жўнгина қилиб ўгириб қўя қолган.

“Ўғри” ҳикоясида бир нечта дуо, алков ибораларига ҳам дуч келамиз:

Худо хайр берсин! – 1. Allah hayrını versin! 2. Hayrlısı Allah'tan!;

Худо ярлақагур! – 1. Allah'in yardımıyla! 2. Allah Affetsin!;

Кам бўлманг! – 1. Eksik olmayın! 2. Ben fakir adamat!

Худо ажсалга тўзим берсин! – 1. Allah ecele geçit vermesin! 2. Allah can sağlığı versin!;

Умумий қилиб айтганда “Ўғри” ҳикояси бошдан охир ижтимоийликка йўғрилган кучли бадиий асар. Адаб икки сахифага ўша давр жамиятига хос барча муаммоларни қудратли сўз воситасида сиғдира олган. Масалан, қуйидаги парчада ўша давр жамияти инсонининг ташқи қиёфаси, синфий жиҳати ўз аксини топган: “Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан оғил ешиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади: кўзлари жавдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қаргайди, им ҳуради, товуқлар қақаглайди. Кимдир шундай кичкина тешикдан ҳўқиз сизишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди”³. Қобил бобо портрети, унинг жисмоний ва рухий ҳолати, қишлоқ аҳолисининг норозиликлари санъаткорона акс эттирилган ушбу кичик парча 1-туркча таржимада қуйидагича берилган: “Kabil dede yalin baş, yalin ayak, ağılin kapısının yanında tir-tir titriyordu. Dizleri bükülüp bükülüp gidiyordu; gözleri karardı, herkese bakıyordu ama hiç kimseyi görmüyordu. Kadınlar hırsızı lanetlediler, it

¹ Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.41.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 жилдли, 1-жилд: - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.

³ Қахҳор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.





uluyor, tavuklar gıgirdanıyordu. Kimse bu kadar küçük delikten öküzin nasıl sigmiş olabileceğine akıl sırları yerdiremiyordu”¹.

2-таржима: “*Kabil dede yalnız ayak, başı kabak, üzerinde uzun bir gecelikle oğlunun kapısının önünde durmuş, tir-tir titriyordu, Dizleri sanki bükülpük bükülpük kırılıyordu. Gözleri etrafa bakınıyordu. Herkese bakıyor ama hiç kimseyi görmüyordu. Kadınlar hırsız beddualar ediyordu. Köpek havlıyordu. Tavuklar gıdaklıyordu. Kimileri de bu kadar küçük delikten öküzin nasıl siglığına inanamadığı hakkında etraftakilere laf anlatıyordu*”².

Адид ўз фикрини, хукмрон синф вакилининг оддий меҳнаткашларни масхаралашига бўлган нафратини кучли ҳажвга йўғрилган диалог воситасида ифодалайди: “*Амин чинчалогини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди. – Йўқолмасдан олдин бормиди? Қандақа ҳўқиз еди? – Ола ҳўқиз. – Яхши ҳўқизмиди ё ёмон ҳўқизмиди? – Кўши маҳали... – Яхши ҳўқиз бирор етакласа кета берадими? – Бисотимда ҳеч нарса йўқ... – Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Бирор олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган эканда!.. Нега ийгланади? А? Йигланмасин...*”³

1-таржимаси: “*Amin parmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Yok olmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü, kötü öküz müydü? – Çift vaktinde... – Bu iyi öküz birisi iteklese gider mıydı? – Yelimde ayağında başka bir şey yok... – Kendisi dönüp gelmez mi ki?.. Birisi alıp gitse dönüp geliver, deyip tembihlemedin mi yahu!.. Neden ağlanıyor? A? Ağlanmasın...*”⁴ Юзаки караганда, туркча таржима равон чиққангча ўхшайди. Аммо матнга чуқурроқ кириб борилса, таржиманинг қай савияда амалга оширилгани аён бўлади. Масалан, аслият парчасидаги “амин” сўзи таржимада бир реалия сифатида қолдирилган, аммо унга изоҳ берилмаган, “чинчалоқ” таржима қилинмаган, “йўқолмасдан” сўзи ҳам айнан (“йўқ бўлмасдан” деб) таржима қилинган. “Кўши маҳали” бирикмасини таржимон умуман тушунмаган (“қўш” сўзининг “қўш ҳўқиз”, “ер ҳайдаш” маъноларини билмаган). Бирикманинг маъносини англаш учун таржимоннинг ўзбек тилини билиши кифоя қилмайди. Ёки таржимон “етакламоқ” феълини ҳам ўзича “итеклемек” деб қолдирган (холбуки, ҳозирги туркча лугатда бунақа феъл мавжуд емас). Шунингдек, “бисотимда” сўзи ҳам “elimde ayağında” деб нотўғри ўтирилган, уни турк тилида “elde avuçta” деб бериш мумкин еди. Қолган жумлалар таржимаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Диалогнинг 2-таржимаси қўйидагча: “*Muhtar küçük parmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Kaybolmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü yoksa kötü mü? – İkisi de... – İyi öküz, birisi tutup götürse gider mi? – Başka malim yok... – Kendisi dönüp gelmez mi acaba?.. Birisi alıp gittiye geri dönsün, diye bırakmaz ya!.. Niye ağlıyorsunuz? He? Ağlamayın*”⁵. М.Унли диалогни яхши ўтирган. Таржимада муаллиф услуби деярли бера олинган, бироқ у ҳам “Кўши маҳали” бирикмасини тушунмаган (“İkisi de...” (маъноси: “иккаласи ҳам”) деб таржима қилган).

Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олиб диалогнинг қўйидаги таржимаси таклиф этилади: “*Muhtar serçeparmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Kaybolmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü yoksa kötü mü? – Biliyorsunuz yerleri ekime hazırlama mevsimi, işte... – İyi öküz, birisi tutup götürmek isterse gider mi? – Elde avuçta bir şey yok... – Kendisi geri dönmez mi acaba?.. Birisi alıp götürürse, hemen geri dönmelisin, diye tembihlememiş miydiniz?.. Neden ağlanıyor? Aaa? Ağlanmasın...*

¹ Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.41.

² Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebi-eserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hırsız-hikaye>.

³ Қаххор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

⁴ Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.42.

⁵ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebi-eserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hırsız-hikaye>.





Умуман тўғри таржима қилиш учун сўз ёки бирикманинг мавжуд синонимларидан энг моси танлаб олиниши керак. Баъзан қардош тилларда ҳам бир хил маънода ишлатилган сўз ва ибораларнинг тузилиши, шакли ва образли асослари бутунлай бошқача бўлиши, баъзан уларга контекст ичида бир емас, бир неча бирикма мувофиқ келиши табиийдир.

Хулоса. Ўзаро яқин тилларга таржима қийинчиликларининг А.Қаххор асарларининг турк тилига таржималари мисолида ўрганилиши мавзуга янгича ёндашиб ҳисобланади. Таржималардаги чигалликлар сабабини ёритиш, асл нусхага хос тил унсурларининг берилиши масалаларини тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан ушбу мақола ўзбек адабининг сўнгги йилларда туркчалаштирилиб нашр этилаётган асарларини жиддий ўрганиш, таржималарни танқидий кўриб чиқиш йўлидаги ишлардан ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таржималарнинг зарурат туфайли амалга оширилаётгани бадиий ижодга зид нарса. Зоро, таржима тақдирини бундай зарур шарт-шароитлар емас, балки таржимоннинг истеъоди, савияси, тажрибаси, маданияти, диди, услуби ҳал етмоғи, бу соҳага ҳам жиддий эътибор берилиши ва уни бадиий таржиманинг умумий муаммоларидан ажратиб қўймаслик керак.

